Таҳлил

# САМАРАЛИ ЙИЛ БЎЛДИ

## «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятига бир назар

Кучли ижтимоий ҳимоя тамойилларига оғишмай амал қилиш саъй-ҳаракатлари остида ўтган 2007 йил «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси учун ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Жамғарма дастлаб фақат санъат соҳасига оид лойиҳалар билан шуғулланган бўлса, кейинчалик иқтисодиёт соҳасини қамраб олган, шунингдек, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳалар унинг фаолиятида янги саҳифаларни очди. Буни 2007 йилда Жамғарма лойиҳалари доирасидаги танловларда иштирок этганлар 60 минг нафардан ошганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шу ўринда «Форум жамғармаси қандай ташкилот?» деган савол туғилиши мумкин. У, аввало, ўзларининг давр талабларига ҳамоҳанг ажойиб ғояларига эга бўлган, изланувчан, интилувчан, ташаббускор инсонлар жамоасидир. Улар бир томондан, бутун билим ва интеллектуал салоҳиятларини муҳим лойиҳалар устида бирлаштириб, уни ўз мулоҳаза ва таклифлари билан бойитувчи маданият ва санъат, фан ва спорт соҳасининг кўзга кўринган арбоблари бўлса, иккинчи томондан, танлаган соҳаларининг ҳақиқий фидойиси бўлган шижоатли, меҳнатга чанқоқ ёшлардир. Ва ниҳоят, учинчи томондан, улар Жамғарма лойиҳаларидан бирида қатнашиб, турли қизиқарли тадбирлардан олган бой таассуротлари таъсирида унинг ёшлар қанотида қолишга қарор қилган йигит-қизлардир.

Таъбир жоиз бўлса, Жамғармани рамзий маънода унумдор тупроққа қиёслаш мумкин. Унга ташланган уруғ, албатта, униб чиқиб, бир кун ҳосил бериши муқаррар. Зеро, янги-янги ғояларни кўтариб чиқа оладиган, фойдали лойиҳаларга янада жон бағишлайдиган, нафақат дастур ва танлов, балки янги муассасалар яратишга қодир инсонлар унинг фаолиятига баракали ҳисса қўшмоқда.

2007 йилдан бошлаб Жамғарма ёш иқтидорли спортчилар, мактаб ўқувчилари, талаба ҳамда илмий изланишлар олиб бораётган педагоглар учун янги грант дастурларини таъсис этди. Апрель ойида «Чемпионлар форуми» махсус ҳисоби очилиб, дастлабки грантлар Жамғарманинг спорт мажмуасида топширилди. Йил давомида ўтказилган учта тадбир доирасида ёш спортчилар машҳур жаҳон чемпионлари қўлидан грант олиш шарафига муяссар бўлдилар. Умуман, 2007 йилда ёш спортчиларга жами 129 та спорт гранти ажратилди.

Мактаб ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган педагогик грантлар дастури якунида ғолибларга грантлар ўзларининг илмий фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун бир марталик грант ва ойлик маошларига қўшимча ҳақ сифатида топширилди. 2007 йилда Жамғарманинг турли соҳаларга оид лойиҳа ва дастурлари доирасида умумий қиймати 357 миллион 471 минг сўмлик 720 та грант ажратилди.

Мусиқа ва кино санъатини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар кутилганидан зиёд самара берди. Режиссёр Рустам Саъдиевнинг «Келгинди келин» фильми Ялтада ўтказилган халқаро телекинофорумда тақдим этилди. Японияда «Ўзбек киноси кунлари» фестивали уюштирилиб, унда сўнгги йилларда суратга олинган ва ўзбек киносининг «Олтин фонд»ида сақланаётган энг яхши фильмлар намойиш этилди. Республиканинг энг сара қўшиқчилари, актёрлари, мусиқачилари, режиссёрлари, телерадиобошловчилари Жамғарма таъсис этган миллий мукофот билан тақдирланди.

Жамғарма лойиҳалари Ижтимоий ҳимоя йили тадбирларига ҳамоҳанг бўлиб, йил давомида «Меҳр нури» ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, «Аёллар кенгаши» жамоат ташкилоти билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Мактаб, боғча, туғруқхона, поликлиника, тиббиёт марказлари ва бошқа ижтимоий муассасалар биноларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга ёрдам берилди.

Йил якунида Жамғарма эсда қоладиган катта концерт дастурини уюштирди. Унда Жамғарма билан бутун йил давомида ҳамкорлик қилган артистлар ҳамда танловларнинг совриндорлари ажойиб шоу-дастурни тақдим этишди. Байрам кечасида Жамғармага йил бўйи ҳамкорлик қилган фан ва маданият вакиллари, жамоат арбоблари ва ҳомийларга мукофотлар топширилди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

«Ташаббус – 2008»



# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА НАҚД

**Мамлакатимизда 1996 йилдан буён тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, қўли гул ҳунармандлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус» танлови ўтказиб келинмоқда. Иштирокчилар сафи йилдан йилга кенгайиб бораётгани, айниқса, улар орасида ёшларнинг тобора кўпаяётганлиги қувонарлидир.**

Танловнинг Оҳангарон тумани босқичида хўжалик юритиш фаолияти якунлари бўйича энг яхши натижаларни қўлга киритган ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган микрофирмалар, кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳунармандлар ҳамда халқ амалий санъати усталари иштирок этди.

Шерзод Камбоев тадбиркорлик фаолиятини 2004 йилда бошлаган. Ҳозир тадбиркорнинг мўъжазгина цехида 8-9 турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Цех бир кунда 50 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Ушбу маҳсулотларнинг барчаси «Оҳангарон» савдо белгиси остида истеъмолчиларга етказилаётир. Тадбиркор яқин кунлар ичида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Бу билан яна бир қанча аҳоли муқим иш ўринлари билан таъминланади. Шерзод Камбоевнинг кўрик-танловда «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаши ҳам ана шундан.

«Оҳангарон-Ҳисор» намунали фаолият юритаётган фермер хўжаликларидан. Шарифа Эшназарова раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари 41 гектар майдонда ғалла, шоли, олма, нок, ўрик, анжир ҳамда узум етиштиришади.

– Тумандошлар корига яраш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси бўлган тикувчилик цехини ҳам очганмиз. Бу ерда буюртма асосида замонавий ва бежирим либослар тикилмоқда, – дейди Шарифа Эшназарова.

Фермернинг фаолияти муносиб баҳоланиб, «Энг яхши фермер» сифатида эътироф этилди.

Танловда Улуғбуви Омонова «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолибликка эришди. Ҳунарманд асосан миллий каштачилик ва зардўзлик билан шуғулланади.

Энди ғолиблар кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш тадоригини бошлашади.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўрик-танловнинг туман босқичи ғоят қизғин ўтди.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





# ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

## бунга ёшлар нима дейди?

Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш, йигит-қизлар орасида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Бунда кутубхоналарнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Жумладан, Республика болалар кутубхонаси томонидан келажак эгаларининг китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий билимини янада ошириш, йигит-қизларни турли иллатлар таъсиридан асрашга йўналтирилган кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. "Ёшлар ва глобал муаммолар" мавзуига бағишланган навбатдаги ана шундай тадбирга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вакиллари, маҳаллалар фаоллари, уламолар ва мактаб ўқувчилари таклиф этилди.

Тадбирда мутахассислар ёшларга гиёҳвандлик, кашандалик сингари салбий иллатларнинг инсон камолотига етказадиган зарари, мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

**ЎзА.**

Партиялар ҳаётидан

# ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ... КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ

**Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида олиб борилаётган туб ислоҳотлар ҳар бир фуқарода янгича қараш, тафаккур қилиш ва яшаш тарзини шакллантирмоқда. Бунда мамлакатдаги жамоат бирлашмалари, айниқса, сиёсий партиялар ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлари, партия аъзолари ва фаоллари иштирокида 2007 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда даставвал мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар аниқ белгилаб олинди. ЎзЛиДеП вилоят кенгаши раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарлари ўтган йил давомида олиб борган иш фаолиятлари юзасидан ҳисобот беришди. Жумладан, уларда ўтган йил давомида партия дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ютуқлар билан бирга маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги таъкидланди. Хусусан, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида бартараф этилиши зарур масалалар ҳам йўқ эмас. Вилоятнинг Янгийўл, Оҳангарон, Зангиота, Пскент, Ўртачирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида хотин-қизлар томонидан кўпгина ҳуқуқбузарликлар содир этилаётгани, маҳаллий ҳокимиятнинг ижроия органларида ҳали-ҳамон аёл раҳбарларнинг камлиги, уларнинг фаоллиги асосан таълим-тарбия масканлари доирасидагина чекланиб қолаётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга йиғилишда фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга оид муаммолар, улар томонидан илгари сурилаётган таклиф ва мулоҳазалар алоҳида муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда муҳокама қилинган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Расул КУШЕРБОЕВ.**

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Таълим ва мутахассислик" мавзуидаги учинчи халқаро кўргазма бошланди. У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Мамлакатимизда учинчи марта ташкил этилаётган "Таълим ва мутахассислик" кўргазмасида пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолияти, йўналиш ва ихтисосликлар билан атрофлича танишиш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйишни ҳам кўзда тутади. Шу боис кўргазмада Россия, Қозоғистон каби мамлакатларнинг олий таълим даргоҳлари фаолияти билан ҳам танишиш мумкин.

– Университетимиз бу кўргазмада иккинчи марта иштирок этмоқда, – дейди Астрахань давлат университетининг инновациялар ва сармоя бўлими раҳбари Марина Лозовская. – У юртингизнинг таълим соҳасидаги эришган ютуқлари билан танишиш, олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қулайлик

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ «Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур тизимни такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Айни пайтда Қуйичирчиқ туманида мутасаддилар мазкур ҳужжатда кўзда тутилган вазифалар ижросига доимий эътибор билан ёндошмоқдалар.**

# ҚАРОР ТАДБИРКОРНИ ҚЎЛЛАЯПТИ

Туманда яқинда шу йўналишда фаолият юритувчи 3 та янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлади. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилиши баробарида аҳолининг турли маиший хизматларга бўлган эҳтиёжи тобора тўлароқ қондирилмоқда.

Жумладан, тумандаги Отажонов номли фермерлар уюшмаси ҳудудида «Дебит-кредит» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Эндиликда ҳудуддаги кўплаб тадбиркорлик субъектларига бухгалтерия ҳисобини юритишда жамият таклиф этаётган хизматлар қўл келмоқда.

«Янги ҳаёт» қишлоғида иш бошлаган «Браво-сервис» корхонаси эса аҳолининг уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш билан шуғулланаётир. Қисқа вақт ичида таъмирлаш шахобчаси қарийб 5 миллион сўмлик буюртмаларни ўз вақтида, кафолатли бажарди.

«Баркамол спортчи» жамияти туман маркази — Дўстобод шаҳарчасида очилди. Унинг асосий фаолияти ёшларнинг компьютер саводхонлигини оширишга қаратилган. Ўтган йили ўқув маркази томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 52 миллион сўмдан ортди.

Юқорида тилга олинган Қарор талабларидан келиб чиқиб, туман солиқ инспекцияси томонидан бундай йўналишдаги тузилмаларда кўрсатилган хизматлар учун 10 фоизли ставкада ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз берилди. Солиқдан озод этилган маблағлар уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу тариқа кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашга йўналтирилаяпти.

**СУРАТДА:** туман солиқ инспекцияси ходимлари тадбиркорлик тузилмаларидан бирида қарор талабларини тушунтиришмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Мутахассис огоҳлантиради

# САВДОДАГИ ОШ ТУЗИ ЙОДЛАНГАНМИ?

**Кейинги йилларда юртимизда йод танқислиги туфайли юзага келувчи хасталиклар анча камайди. Бу бежиз эмас, албатта. Хусусан, аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса, йод танқислигининг олдини олиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Ўзбекистонда 2005-2009 йиллар давомида йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш бўйича Давлат дастури ижроси қатъий назоратга олингани ўз самарасини бераяпти. Жумладан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари БМТ Болалар жамғармасининг Ўзбекистон ваколатхонаси билан ҳамкорликда ички истеъмол бозорида йодланган ош тузи савдоси устидан мониторинг ва ижтимоий тадқиқотлар ташкил этган. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг махсус буйруғи доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси шаҳар ва туманларда махсус семинар-тренинглар ўтказмоқда. Жумладан, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Зангиота туманлари ва Бекобод шаҳрининг тадбиркору ишбилармонлари ҳамда аҳоли билан учрашувларда йод танқислигининг оқибатлари, туз ишлаб чиқаришда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар хусусида сўз юритилди.

– Бундай тушунтириш ва тарғибот ишлари мунтазам уюштирилаётганига қарамай, – дейди вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова, – жойларда туз ишлаб чиқариш ва унинг савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлар масъулиятсизлик қилишмоқда. Натижада савдога сифатсиз, йодланмаган тузлар ҳам чиқарилмоқда.

Ҳудудий бирлашма ўтган йилда туз савдоси бўйича 1410 марта мониторинг ўтказди. Шундан, қишлоқ жойларда 553, туман марказларида 356 ва шаҳарда эса 501 марта кузатиш олиб борилди. 992 та ҳолатда тузлар сертификатсиз сотилаётгани, 194 та ҳолатда тузларнинг йодланиш даражаси қониқарсиз эканлиги аниқланди ва йодсиз ош тузларини ДСЭН марказларининг хулосасига кўра сотиш тўхтатилди. Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида ўтказилган кузатувларда сертификатсиз, Пскент туманида 22 ҳолатда, Бўстонлиқ туманида 23 ҳолатда йодсиз ош тузлари сотилаётганлиги маълум бўлди.

– Мен йод етишмаслиги оқибатида бўқоқ хасталигига чалинганман, – дейди истеъмолчи Дилфуза Маҳмудова. – Кўп йиллардан буён бунинг жабрини тортаяпман. Муолажалар жуда секин самара бераяпти. Шунинг учун даволангандан кўра касалликнинг олдини олган маъқул экан.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, сифатсиз, йодланмаган тузларни қадоқлаб, савдога чиқараётган тадбиркорлар бунинг оқибатини ҳис этмагунларича, йод етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган хасталикларга бир кун келиб ўзлари ҳам йўлиқишлари мумкинлигини тушуниб етмагунларича, юқоридаги каби нохуш ҳолатларга барҳам бериш ишлари чўзилиб кетишига сабаб бўлаверади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Қарор ва ижро

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ

## аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаб, бандлик муаммоларини ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқда

Оққўрғон туманида туманлараро меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Чиноз, Қуйичирчиқ туманларидаги 16 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 86 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Вилоят миқёсида ўтказилган бу ярмаркада 54 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Шунингдек, туманда ўтган йилда қишлоқ фуқаролар йиғинларида меҳнат қилаётган инспекторлар ҳаракати билан жами 11 йўналишдаги 2636 та янги иш ўринлари яратилди.

Марказимиз ва жойлардаги меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 1535 нафар кишидан 1426 нафари турли қишлоқ ва халқ хўжалиги соҳаларига ишга жойлаштирилди.

Бўш иш ўринлари бўйича ўтказилган тўртта ярмаркада 396 та ташкилот, фермер хўжаликлари бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада иштирок этган 317 нафар ишсиз фуқароларнинг 235 нафари турли ишларга жалб этилди.

Фаолиятимиз давомида меҳнат бозорининг самарали шаклларидан бири – касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам сезиларли қадам қўйилди. Халқ таълими, тиббиёт, фермер хўжаликлари, кичик бизнес соҳаларида 270 та, 130 та саноат корхонасида жами 400 та касаначилик иш жойлари барпо этилди.

**Одил ДОНАЕВ,**
**Оққўрғон туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари.**

Спорт Спорт

## МАВСУМОЛДИ СИНОВЛАРИ

**ТУРКИЯДА ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинида қатнашаётган мамлакатимиз чемпиони – "Пахтакор" (Тошкент) футболчилари Россиянинг "Сатурн" жамоаси билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.**

"Пахтакор" вакиллари дастлабки уринишдаёқ самарали ҳужум уюштирди. "Сатурн" дарвозаси томон аниқ зарба берган Зайниддин Тожиев ҳисобни очди. Етмиш учинчи дақиқада З. Тожиев ўйиндаги иккинчи тўпини киритди. Орадан бир дақиқа ўтиб, россияликлар посбони "Пахтакор" ярим ҳимоячиси Элдор Магдиев тепган тўпни ўз дарвозаси тўридан олиб чиқишга мажбур бўлди.

Ҳисобда уч тўп фарқи билан олдинга ўтиб олган пахтакорчилар бироз хотиржамликка берилди. Бундан фойдаланган "Сатурн" футболчилари жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди. Беллашув якунланишига бир неча дақиқа қолганида З. Тожиев рақиб дарвозасини учинчи марта забт этиб, жамоасига 4:1 ҳисобида ғалаба келтирди.

Жорий мавсумга Туркияда ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз жамоаларидан "Машъал" (Муборак) футболчилари Қозоғистон чемпионати вакили – "Қайсар"га қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Андижоннинг "Андижон" жамоаси эса Литванинг етакчи клубларидан "Жалгирис" билан дуранг ўйнади – 0:0.

Ўқув-машғулот йиғинларини Тошкентда ўтказаётган жамоалар ҳам синов-назорат учрашувларида иштирок этмоқда. Ана шундай ўйинлардан бирида пойтахтнинг "Локомотив" жамоаси "Навбаҳор"ни (Наманган) 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МУСОБАҚА – КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ

**ПАРКЕНТ тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари кенгаши фермерлар ҳамда улар билан ҳамкорликда меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалик ходимларининг кўнгилдагидек дам олишлари ва бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан ўтказишларини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар уюштирмоқда.**

Хусусан, улар ўртасида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар уюштириб туришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда ушбу кенгаш ташаббуси билан волейбол, шахмат, шашка бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Эътиборли томони шундаки, мусобақаларда кўплаб ёшлардан ташқари фахрийлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Намданаклик фермер хўжалиги вакили Талаббой Жўраев шахмат мусобақаларида энг юқори натижа кўрсатди. «Гулбоғ» агрофирмаси ҳудудида фермерлик қилаётган Акбар Тўрабоев шашкачилар ўртасида энг кучли эканлигини исботлади.

Волейбол мусобақаларида «Гулбоғ» агрофирмасидан бир йўла уч жамоа қатнашди. Шу туфайли қизғин тус олган беллашувларда ушбу агрофирма касаба уюшмаси жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Мусобақа якунида ғолибларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари, пул мукофотлари ҳамда кўчма кубоклар топширилди.

## ҚИЗЛАР ДОНА СУРМОҚДА

**РЕСПУБЛИКА шахмат-шашка клубида шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати биринчи лига беллашувлари қизғин давом этмоқда.**

Чемпионатда иккитадан ғалаба ва биттадан дурангга эришган Ирода Иброҳимова (Сурхондарё), Сарвиноз Қурбонбоева (Сирдарё) ва Мафтуна Маматқулова (Тошкент вилояти) ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда.

## ҲОМИЙЛАР ҲИССАСИ КАТТА

**КЕЛАЖАГИМИЗ эгаларининг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида спорт беқиёс ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга эътибор йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундай хайрли мақсадларда ҳомийлар ёрдами катта бўлаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир.**

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини молиявий қўллаб-қувватлашда «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти, «Бекободшифер» корхонасининг ҳиссаси каттадир. Шу туфайли шаҳарда болалар учун спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятлари тобора юксалиб бораяпти.

Бу йирик жамоалар қатори «Бекободсавдо», Бекобод деҳқон ва буюм бозорлари, «Бекободгўштсавдо», «15-КМК», «Нодирагаз», «Одилжонсервис», «Метинғишт» каби ўнлаб корхоналар бу йил ҳисобидан ўз ҳомийлик маблағларини ҳозирданоқ жамғарманинг шаҳар филиали ҳисоб рақамига ўтказиб қўйдилар.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

### Об-ҳаво

Республика гидрометеорология марказининг маълум қилишича, 23 февраль куни вилоятимизда ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қор ёғади, туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади.

2008 йил – Ёшлар йили





## ҲАЁТ КУЙИ ЖАРАНГЛАСИН

**ЁШЛАРНИНГ маънавий-маданий дунёсини юксалтириш, санъат ва гўзалликка интилишларини кучайтириш мақсадида республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янда яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарасини Бекободдаги санъат касб-ҳунар коллежининг бугунги қиёфасидан ҳам кўриш мумкин. 360 нафар ёшлар таълим олаётган бу кўркам бинода 50 ўринли ётоқхона мавжуд бўлиб, унинг қурилишига давлатимиз томонидан 1 миллиард 368 миллион сўм сарфланди.**

– Болаларда санъатга, мусиқага бўлган қизиқиш, интилишни кучайтириш учун шарт-шароит, муҳит бўлиши лозим, – дейди коллеж ўқитувчиси Моҳигул Юсупова. – Гўзалликни кўра билиш, ундан завқланиш учун бой руҳий олам керак. Ўттиз йиллик иш фаолиятимда бугунгидек алоҳида ғамхўрликни ҳис этмаган эдим. Санъатга бўлган эътибор келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз.

– Бугунги ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир исботи шуки, ушбу кошонада дарс беришнинг ўзи бизга ғурур бағишламоқда, – дейди миллий чолғу асбоблари ўқитувчиси Оловиддин Пўлатов. – Мустақил давлатимиз бундай муҳташам санъат даргоҳлари учун маблағни аямаётгани келажаги порлоқ ёшларимиз учун ибратдир.

– Гўзал диёримиз, ҳур Ўзбекистонимизнинг хушманзара табиати, саховатли замини ва унинг неъматларини тасвирлашга қизиқаман, – дейди биринчи босқич талабаси Комила Бекмирзаева. – Рассомлик сирлари, мўйқалам мўъжизаларидан воқиф бўлиш учун шу даргоҳга ўқишга кирдим. Ёшлар йилидаги илк ижодий ишимни янги коллежимизнинг ажойиб кўринишини акс эттиришдан бошламоқчиман.

Вилоят миқёсидаги санъат касб-ҳунар коллежи янги биносини «Пўлатқурилма» бошқармасига қарашли Абдурасул Эркаев бошчилигидаги «Бекободмонтаж» шўъба хўжалиги бинокорлари қуришди. Коллеж ўқувчилари, устоз-мураббийлар кошонанинг рамзий калитини қабул қилишар экан, бундай ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига, қурувчиларга миннатдорчилик билдиришди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** коллежда дарс жараёни.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## САНЪАТГА БАХШИДА УМР

**МИЛЛИЙ санъат марказида очилган "Таниш ва нотаниш Чингиз Ахмаров" деб номланган кўргазмада ижодкорнинг "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан чоп этилган "Гўзаллик сари йўл. Эсдаликлар" автобиографик китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Томошабинлар таниқли мўйқалам устасининг юздан ортиқ рассомлик ва графика асарлари, шунингдек, кўплаб фотосуратлари билан танишди.

Ч. Ахмаров мамлакатимиз тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшди. У ўзбек рассомлари Европа мактаби анъаналарига боғланиб қолмасдан, ўз миллий сарчашмаларига қайтиши лозимлигини кўп бор таъкидлар эди. Айнан унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Шарқ миниатюра санъати, Камолиддин Беҳзод мактаби анъаналари қайта тикланди. Бу – совет даврида санъат устидан мустабид мафкура ҳукмронлик қилиб турган бир шароитда жуда мардонавор қадам эди. Бунинг учун рассом ҳар томонлама тазйиққа учраши, эътибордан четда қолиши ва ижод қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши ҳеч гап эмасди. Аммо уста ўз ғоясига бутун умри давомида содиқ қолди.

**ЎзА.**

Шанба фельетони

## «БЕДАНА ФЕРМЕР»

***Умрида деҳқончиликнинг кўчасидан ўтмаган, лекин ернинг умрини хазон қилаётган айрим фермерларга «қасида»***

*Чойхонанинг мудири*
*Эди бизнинг Соттивой.*
*Салқин сўри, бедана,*
*Палов, сомса, иссиқ чой.*

*Чой-чақаси бор эди,*
*Бор эди барокати.*
*Бирдан бошланиб қолди*
*Фермерлик ҳаракати.*

*Тўхта, деди ўзига,*
*Менинг кимдан камим бор?*
*Қўл-оёқ бут, ақчам кўп,*
*Сотти деган номим бор.*

*Битта қўшним таксичи,*
*Яна бири буғолтир.*
*Иккови фермер бўлди,*
*Қанча ерни «еб» ётир.*

*Ер олишди дўкончи,*
*Омборчию дўхтирлар.*
*Эпласа-ҳай, бўлмаса,*
*Арза ёзиб кетурлар.*

*Айтганин қилар Сотти,*
*Ўжар унда «характер».*
*Чойхонани сотвориб,*
*Сотиб олди трактор.*

*Фермерликка ариза*
*Ёзиб борди ҳайъатга.*
*Ҳайъат ҳам қабул қилди,*
*Ҳеч тушмади ҳайратга.*

*Хотини патирини*
*Узгунича тандирдан,*
*Кўзни юмиб очгунча,*
*Ўтиб олди «тендер»дан.*

*Нақд юз гектар майдонга*
*Бўлиб олди хўжайин.*

*Энди ҳайрон — шунча йил*
*Юрган экан бетайин.*

*Улфатларга «хўш» деди,*
*Даласига йўл солди.*
*Беданаси ва-вақлаб,*
*Сайраганича қолди.*

*Алқисса, у фермерлик*
*Номидан ғурур туйди.*
*Оврўпача бўлсин, деб*
*«Сотти-агро» — ном қўйди.*

*Баҳорда у ерига*
*Чигит экди амаллаб.*
*Уч кун чиқиб далага*
*Қолди шўрлик шамоллаб.*

*Қийнади уни чопиқ,*
*Қийнади-ку, ягана.*
*Акс, ҳар кун тушига*
*Кириб чиқар бедана.*

*— Беданажон, бир сўз де,*
*Бу аҳволда не қилдик?*
*— Ўз ошингни ўзинг е,*
*Эҳ, Соттивой, питбилдиқ.*

*Чеканка-ю, сув қўйиш,*
*Баттар бўлди, гўр бўлди.*
*Тоза бизнинг Соттивой*
*Абгор бўлди, хўр бўлди.*

*Кун ора комиссия,*
*Кун ораси назорат.*
*Камига ғўзасини*
*Босиб кетди ҳашарот.*

*Бечоранинг даласин*
*Ўргимчакдан тўр босди.*
*Шўргина пешонасин*
*Яна баттар шўр босди.*

*Беданаси ва-вақлар:*
*— Сотти, Сотти, питбилдиқ.*
*Билмай, фермер бўлибмиз,*
*Энди жўра, не қилдик?*

*— Тур-э, бўйнинг узилгур,*
*Тегаверма ғашимга.*
*Ўзим ғавғо орттирдим*
*Ғамсиз юрган бошимга.*

*Кузак келди, теримда*
*Чиқди ишнинг халтаси.*
*Чўғи ўчган, тошбосмас*
*Соттивойнинг пахтаси.*

*Бир «сезон»да Соттивой*
*Озиб қолди, чўп бўлди.*
*Кўча-кўйда «кимсан?» деб,*
*Танимаган кўп бўлди.*

*Минг бора афсус қилиб,*
*Келганига ҳаётга.*
*Бошқатдан ёзиб борди*
*Аризани ҳайъатга.*

*— Кечиринглар, мен билмай,*
*Катта дорга илашдим.*
*Деҳқончилик осон деб,*
*Жон акалар, адашдим.*

*Ерни олинг, фермерлик*
*Бўйнимдан соқит, деди.*
*Беданага қўшилиб,*
*Соттивой ҳам «вит» деди.*

*Алқисса шу: қўлингдан*
*Келмас ишни тутмагин.*
*Соттига ўхшаб сен ҳам*
*Бир кун «вит» деб кетмагин.*

**Нурали ЖАЛИЛ,**
**Бекобод тумани.**

## Биласизми?

- *400 миллион йил аввал яшаган чаённинг узунлиги 2,5 метрга етган. Энг баҳайбат ниначи қанотларининг узунлиги эса 60-80 сантиметр бўлган.*
- *Энг катта акула миллион йиллар аввал йўқ бўлиб кетган. Унинг узунлиги 35 метр, оғирлиги эса 100 тоннагача бўлган. Бу улкан балиқнинг ханжардек кескир тишлари 20 сантиметргача етган.*
- *20 минг йил аввал қирилиб кетган мадагаскар туяқуши энг оғир қуш ҳисобланади. Унинг вазни ярим тоннагача етган.*
- *Энг баланд қуш – улкан моанинг бўйи жирафаники билан бир хил бўлган. Яъни 4,5 метр, оғирлиги 250 килограмм.*
- *Энг учқур динозавр эса целофузис деб номланган. Баландлиги 3 метр, оғирлиги атиги 30 килограмм бўлган мазкур ҳайвон соатига 80 километр тезликда чопа олган.*
- *Қирилиб кетган динозаврлар ичида энг кўп тарқалгани игуанодон бўлган. Бу ўтхўр жониворларнинг узунлиги 10 метргача, оғирлиги эса 4 тоннагача етган.*
- *Энг катта тимсоҳлар Жанубий Американинг Ориноко ва Амазонка дарёларида яшашади. Уларнинг узунлиги 8 метр, оғирлиги эса 2 тоннадир.*

## Кулганга нима етсин

*Магазинда ҳаммаёқ топтоза, кўзни қамаштирадиган даражада чиройли.*

*— Менга бир кило гўшт ўраб беринг.*

*Оппоқ халат кийган сотувчи жувон оппоқ қоғозни олиб дейди:*

*— Қани, беринг гўштингизни.*

☺ ☹ ☺

*Иккита бўйдоқ гаплашяпти:*

*— Биласанми, манави «Лаззатли таомлар ҳақида» деган китоблардан сариқчақалик наф йўқ.*

*— Нега энди?*

*— Ўтган ҳафтада шу китобга қараб бирон овқат пиширмоқчи бўлдим, аммо пиширолмадим. Китобдаги ҳар бир тавсия «Тоза тарелкани олинг», деб бошланади.*

☺ ☹ ☺

*Оқшом. Даволовчи шифокор уйга кетиш олдидан беморлар билан хайр-маъзур қиляпти:*

*— Хайр, бобожон, эрталабгача.*

*— Яхши қолинг, Иван Кузьмич.*

*— Хайр, болакай, тузалақол.*

*— Ҳой, дераза олдида ётган ўртоқ, алвидо!*

Саломат бўлинг

## ГРИППНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

***Грипп қандай касаллик? У юқумлими? Агар шундай бўлса, одамлар ўртасида қайси йўллар билан тарқалади?***

Гриппни келтириб чиқарувчиси фильтрланувчи вирусдир. Бу вируснинг А ва В, С турлари мавжуд. Касаллик бемордан соғлом одамга ҳаво-томчи орқали юқади. Бемор гапирганида, йўталганида ёки аксирганида вирус ҳавога чиқади. Шу ҳаводан нафас олганда, шунингдек, бемор ишлатган рўмолча, сочиқ, ўйинчоқлар ва бошқа воситалардан фойдаланган одамлар организмига вирус кириб, касаллик келтириб чиқаради.



Танадаги иммун тизими яхши бўлса, касаллик енгилроқ ўтади. Асосан анемия, гиповитаминоз, бўқоқ каби касалликлар иммун тизимини сусайтиради. Уни кучайтириш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш, яъни тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, зарарли одатлардан тийилиш, меҳнат билан дам олишни тўғри ташкил этиш, витаминларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Грипп касаллигига чалинган беморларда тана ҳароратининг кўтарилиши, бош, қўл ва оёқ мускулларида оғриқ пайдо бўлиши, кўзнинг ёшланиши, бурундан суюқлик келиши, томоқ оғриғи билан бирга қуруқ йўтал, қувватсизлик, умуртқа поғонаси ва қоринда оғриқ, ич кетиши, баъзи ҳолларда бурундан қон келиши кузатилади.

Дастлабки кунлари гриппнинг бемордан соғлом одамга юқиш хавфи юқори бўлади. Шу даврда соғлом одам эҳтиёт чораларини кўрса, грипп касаллигини юқтирмайди. Бемор эса дарҳол шифокорга мурожаат қилиши лозим.

Хонани тез-тез шамоллатиб, исириқ тутатиб туриш керак. Бемор кўпроқ суюқлик (малина, лимон, асал қўшилган чой, иссиқ сут ҳамда наъматак дамламаси) ичиши лозим.

Касалланган бемор алоҳида хонага ўтказилиб, фойдаланадиган идишлари ҳамда ишлатадиган сочиқ, кийимларини алоҳида қилиши керак бўлади. Соғлом кишиларга тўрт қаватли докадан тикилган ниқобда юриш тавсия этилади.

Касалликнинг олдини олишда энг самарали усул гриппга қарши эмланишдир.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**«Саломатлик» институтининг вилоят филиали шифокори.**

Сураткаш ҳазили



***– Бошқара оламан-у, аммо «права» йўқ-да!***

Миробод туманидаги "AMU-DAVLAT" МЧЖ (ОКОНХ 61110, ИНН 204362436)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади. Тел.: 331-21-93, 293-36-10.

ООО "AZIYA BROKER EXSPRESS" (ОКПО 22013664) реорганизуется в ЧП "AZIYA BROKER EXSPRESS". Претензии принимаются по тел.: 767-11-11.

Утерянную лицензионную карточку ООО «VIP TAXI» АТ № 0014367 от 12.04.2007 г. выданный лицензионным департаментом,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат АО № 023425 выданный средней школой № 34 Юкоричирчикского района на имя Зухуровой Ядгоры Абдуқодировны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 233-90-82, 236-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 11166. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45. 1 2 3 4 7 8